

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 149-ҳадис

1. 149. Анас розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Уч киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ибодатлари ҳақида сўраш учун Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жуфти ҳалолларининг уйларига келишди. Уларга хабар қилинган эди, буни оз санагандай бўлиб, «Биз қаёқда-ю, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қаёқдалар?! У зотнинг олдингию кейинги гуноҳлари мағфират қилинган бўлса», дейишди. Улардан бири: «Мен абадул-абад туни билан намоз ўқиб чиқаман», деди. Бошқаси эса: «Мен бир умр рўза тутаман, оғиз очиқ юрмайман», деди. Яна бошқаси: «Мен аёллардан четда бўламан, абадул-абад уйланмайман», деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам келдилар ва шундай дедилар: «Шундай, шундай деганлар сизларми?! Ҳой! Аллоҳга қасамки, мен сизларнинг Аллоҳдан энг кўрқадиганингизман, Унга энг тақво қиласидиганингизман, лекин мен рўза ҳам тутаман, оғиз очик ҳам юраман, намоз ҳам ўқийман, ухлайман ҳам, аёлларга уйланаман ҳам. Бас, ким менинг суннатимдан юз ўғирса, мендан эмас!»

Мұттафакүн алаіх.



NUBUVVAT MARVARIDLARI